

## ИЛК ЎРТА АСР ТАСАВВУФ ФАЛСАФАСИДА АДОЛАТ ТАМОЙИЛЛАРИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ НАЗАРИЙ- МЕТОДОЛОГИК ИЛДИЗЛАРИ.

Хўжаев Даврон Нуриддинович

Ўзбекистон Миллий университети таянч докторанти

+998911917146

[davron.xujaev@bk.ru](mailto:davron.xujaev@bk.ru)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7321950>

**Аннотация:** Ушбу мақолада Алишер Навоий ижодининг асосий категорияси булмиш адолат категорияси унинг илдизи келиб чиқиши ҳақида суз боради, Алишер Навоийнинг адолат ҳақидаги қарашлари аввало илк урта аср тасаввуф талимотидан озикланган бўлиб суҳравардийлар ва нақшбандийлар теориясини амалиётга кўчирмоқчи бўлган ва буни бир мунча ўзига хос тарзда уддалаган ҳисобланади.

**Калит сўзлар:** Алишер Навоий қарашларида “адолатли жамият”, инсонпарварлик, адолат, тасаввуф, идеал шаҳар, идеал жамият, гуманизм, Низомий Ганжавий, Абдурахмон Жомий.

Ҳазрат Навоий ижоди ва фаолиятининг асосий мазмуни Ўрта асрлар тасаввуф фалсафаси ҳамда Уйғониш даври тафаккури ва адабиёти билан уйғун кузатилади. Зеро, “Сўзга қулоқ тутиб, унинг энг гўзалига (яъни нажотга элтувчи Ҳақ сўзга) эргашадиган зотларга хабар беринг! Ана ўшалар Аллоҳ ҳидоят қилган зотлардир! Ва ана ўшаларгина ақл эгаларидирлар!”<sup>1</sup> дейилади Қуръони Каримда (39:18). Шунинг учун илм аҳли орасида “Аввал Қуръони карим, суннатда (амалиётда) тасаввуф” деган қоида тасодифий айтилган нақл ёки дунёни руҳоний кўришнинг натижасигина эмас, балки тасаввуф илми ва амалиётида ҳам тасдиқдан ўтган ҳолатдир. Аслида суннатга эргашмоқ тасаввуфнинг юзага чиқарувчи омиллардандир<sup>2</sup>.

Ана шу асосларга суянган Алишер Навоий гуманизми инсонпарварлик, адолат ғоясини кўтариб чиқиб, инсонларда ватанпарварлик, одамийлик, яхшилик ва эзгулик, фазилатларини суфиёна тарзда ўз асарларида қадрият даражасига кўтаришга хизмат қилган.

Суҳравардийлик [Шарқ](#) мамлакатларида кенг тарқалиб, ҳар хил даврдаги алломалар унга ўз ҳурматларини билдиришган. Масалан, [Алишер](#)

<sup>1</sup> Қуръони каримдан олинган иқтибослар ушбу манбадаги таржимаси орқали берилади: Қуръони карим. Матн, таржима, шарҳ. Амалга оширувчи Абдулазиз Мансур. – Т.: Ислон университети нашриёти, 2000. Жорий тартибга кўра (39:18) ҳаволаидаги биринчи рақам сура, иккинчиси эса ояти каримани билдиради.

<sup>2</sup> Юсуф Хаттар Муҳаммад. Энциклопедия суфизма / Пер. с арабского Р.Адыгамова. - М.: Ансар, 2005. – С.20.

Навоий уни эъзозлаб тилга олади. Шайх Шаҳобуддин Саъдий Умар Суҳравардийни ўзининг устози деб билган.<sup>3</sup> Амир Темурнинг пири Шайх Шамсиддин Кулол ҳам Суҳравардийлик тариқатига мансуб эди.

Тарихга “Мирижанда” номи билан кирган Шаҳобуддин Умар Суҳравардий шундай таниқли эдики, ҳатто унга яқин кишиларнинг сўзларидан қайси тариқат соҳиби эканликларини таниб олса бўлади. Навоий ҳам баъзи асарларида шунга ишора қилади. У суҳравардия тариқати асосчиси шайх Шаҳобуддин Умарнинг “Аворифу-л-маориф” номли асари машҳур бўлиб, бир неча асрлар давомида суфийлар орасида дастуруламал бўлган. Ҳатто “Суҳравардийнинг “Авориф” асарини ўқимаган суфий суфий эмас”, деган фикр шаклланган. “Мири Жанда” деб аталган бу зот аслида Тошкент шаҳрининг Кўкча даҳасида қабри жойлашган Шайх Зайниддиннинг отасидир. Дарҳақиқат Муҳаммад Нуруллоҳ Сайдо Жазарийнинг “Тасаввуф сирлари” асарида Суҳравардий усулида инсонни тасаввуф орқали поклаш ҳақида шундай дейди: “Тасаввуфга қадам қўйиш инсоннинг маънавий оламини ислоҳ этадиган, бузилган қалбларнинг муолажаси учун энг таъсирли бўлган, инсонни ҳақиқатлар атрофига тўплайдиган ўта фойдали ва мустақил илмдир”<sup>4</sup>. Демак, тасаввуф покланиш илми бўлса, уни иккига ажратиб ўрганиш мумкин: мақбул кўрилган тазкия ва рад этилган тазкия. Тасаввуф *мақбул кўрилган тазкия (айбдан оқлаш, оқланиш)* ва *тасвия (поклаш, тарбиялаш)*дир. Қолаверса, Навоий каби тафаккур эгалари Ҳадиси шарифда “Инсонларнинг яхшиси инсонларга нафъ келтирувчилардир”<sup>5</sup> деб айтилган сифатга хос эканлиги бизга кўп маънавий фойдалар берди.

Навоий суҳравардийлар ва нақшбандийлар теориясини амалиётга кўчирмоқчи бўлган ва бунинг бир мунча ўзига хос тарзда уддалаган сиймолардан биридир. Суҳравардийнинг “Адабу-л-муридин”<sup>6</sup> номли асари хонақоҳ ва мадрасаларда ўқув қўлланмаси сифатида қўлланилган.

Ҳазрат Навоий тафаккур боғи сув ичган тасаввуф аҳли ҳамда муфассирлар ва уларнинг асарларини ҳурмат билан тилга олган: Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад Ғаззолий «Жавоҳиру-л-Қуръон», Абул Қосим Маҳмуд бин Умар бин Муҳаммад Замахшарий (вафотлари 1143-44) «Ал-кашшоф фи тафсир ал-Қуръон», Рўзбеҳон Бақлий (вафотлари 1209-10) “Аройису-л-

<sup>3</sup> <https://qomus.info/encyclopedia/cat-s/suhravardiylik-uz/>

<sup>4</sup> Муҳаммад Нуруллоҳ Сайдо Жазарий. Тасаввуф сирлари. – Т.: Мовароуннаҳр, 2000. - Б.4.

<sup>5</sup> Абу Ийсо Муҳаммад ат-Термизий. “Аш-шамойил ал-Муҳаммадийя” Таржимонлар – Мирзо Кенжабек, Убайдулла Уватов. – Т.: “Ўзбекистон” нашриёт матбаа ижодий уйи, 2020 йил, 438-бет

<sup>6</sup> Тримингэм Ж. С. Суфийские ордены в Исламе (под ред., предисл. и примеч. О.Ф. Акимовича). - М.: Наука, 1989.

баён фи ҳақойиқи-л-Қуръон”, Нажмуддин Розий (вафотлари 1256) «Баҳру-л-ҳақойиқ» («Ҳақиқатлар денгизи»), Садриддин Қўнавий (вафотлари 1274-75) «Эъжозу-л-баён» (Қуръони каримнинг «Фотиҳа» сураси тафсирига бағишлангани учун “Тафсири фотиҳа” деб ҳам аталади), Шайх Саъдиддин Ҳамавий «Сажанжалу-л-арвоҳ ва нуқушу-л-алвоҳ» («Рухлар кўзгуси ва лавҳалар нақши»), Абдирахмон Жомий «Тафсир» (тугалланмаган), Хусайн Воиз Кошифий (вафотлари 1505) «Жавоҳиру-т-тафсир ат-туҳфату-л-амир»<sup>7</sup> ва бошқалар. Шу маънода Навоий ҳазратларини тасаввуддан айро тасаввур этиб бўлмайди.

Бу илмларнинг юқори чўққиси Навоий сиймосини янада юксалтирди. Масалан, Навоийдан аввалги мутафаккирлар қарашида зоҳид дунёни эмас, балки ҳаромни тарк қилувчи сифатида майдонга чиққан. Имом Ғаззолийнинг ёзишича, зуҳд мақоми ҳам илм, ҳам ҳол ва амалдан келур<sup>8</sup>. Навоий эса ҳатто зоҳидни ҳам ҳали паст мақомда эканини таърифлайди. Эсланг:

Зоҳид, сенга ҳуру, менга жонона (Ҳудо) керак,  
Майли жаннат сенга бўлсин, менга майхона керак,  
Майхона ичида соқию паймона керак,  
Паймона неча бўлса, яна керак.<sup>9</sup>

Гувоҳи бўлиб турганингиздек, Навоийнинг ахлоқ сифатига жавоб берадиган андозаси (планкаси) жуда юқоридир.

Алишер Навоий тасаввуф майдони ўзидан аввалги мутасаввифлар, жумладан Ибн Арабий каби суфийлар сарчашмасидан сув ичгани табиий. Испаниянинг Мурсия шаҳридан бўлган Муҳаммад ибн Али ибн Арабий Тоий Андалусий (560-638/1164-1240)нинг Абдуллоҳ Бадру-л-Ҳабаший, Исмоил ибн Савдакин Нурий каби комил сўфийларни тарбиялаб етиштирган. Ибн Арабий “Футуҳоту-л-Маккийя” (12 жилд), “Фусусу-л-ҳикам” (“Ҳикматларнинг асли”), “Мафотиху-л-ғайб” (“Ғайб [илми]нинг калитлари”), “Таржуману-л-ашвақ” (“Шавқлар таржимони”), “Жомиъу-л-аҳком” (“Ҳукмлар тўплами”), “Муҳазарату-л-аброр ва мусамарату-л-ахйор”, “Шарҳу асма илаҳи-л-ҳусна” (“Гўзал илоҳий исмларнинг шарҳи”), “Ақидату аҳли-с-сунна” (“Суннат аҳлининг ақидалари”), “Асрору-л-хилва” (“Хилват

<sup>7</sup> Навоий А. Насойиму-л-муҳаббат / Мукамал асарлар тўплами. 17-жилд. – Т.: Фан, 2001.

<sup>8</sup> Ҳаққулов И. Тасаввуф сабоқлари. – Бухоро, 2000. - Б.39-40.

<sup>9</sup> Эркин Воҳидов. Алишер Навоий ғазалларига шарҳлар. <http://library.navoiy-uni.uz/files/alisher%20navoiy%20g'azallariga%20sharhlar.pdf>

сирлари”), “Шуъабу-л-ийман” (“Иймон сирлари”), “Таназзулоту Мусулиййа” (“Мусулликларнинг таназзули”) каби жуда кўп асарлар<sup>10</sup> битган<sup>11</sup>.

Алишер Навоий ўзининг “Насойимул муҳаббат” асарини ёзиш жараёнида суфийларнинг ҳол ва даражаларини ёзар экан, Ибн Арабийнинг «*Тафсири алфоз ал-суфийя*»<sup>12</sup> асаридан, Фаридиддин Атторнинг “Тазкиратул авлиё” ҳамда Абдураҳмон Жомийнинг “Нафаҳатул унс” асаридан илҳомлангани табиийдир. Чунки, услуб ва ёндашув айнан бир-бирини такрорлайди.

Темурийлар даврида тасаввуф таълимотининг ривожини буюк соҳибқирон Амир Темурнинг пирларидан бири сифатида тилга олинган валийлардан бири Саййид Муҳаммад Баҳоддин Нақшбанд (1318-1389) номи ва фаолияти билан боғлиқ. Алишер Навоийнинг далолатича<sup>13</sup>, Баҳоддиннинг камолга етишишида Хожа али Ромитоний, Хожа Муҳаммад Бобои Самосий ва Саййид Амир Кулолнинг таъсири бўлган. Баҳоддин Марвда Юсуф Ҳамадонийнинг қабрини зиёрат қилароқ унинг таълимотини чуқурлаштирди. Юсуф Ҳамадонийнинг халфаларидан Абдуҳолиқ Гиждувоний кашф этган саккизта манзил (калиматини қудсия)га Хожа Баҳоддин яна уч манзил қўшган: 1) вуқуфи замоний; 2) вуқуфи аъдодий; 3) вуқуфи қалбий. Нақшбанд таълимотининг ихчам ифодаси “Дил ба ёру даст ба кор” ҳикматида англатилган. Хожа Муҳаммад Порсо Баҳоддин Нақшбанднинг барча ваъзларини тўплаб, “Рисолаи қудсия” китобини таълиф этган. Баҳоддин Нақшбанд ҳақида Мавлоно Яқуб Чархийнинг “Рисолаи унсия”, Абул Муҳсин Муҳаммад Боқирнинг

---

<sup>10</sup> Қаранг: “Футуҳоту-л-Маккийя” (37 жилд), “Фусусу-л-ҳикма”, “Мафотиҳу-л-ғайб” (“Ғайбнинг калитлари”), “Таржуману-л-ашвақ” (“Шавқ таржимони”), “Жомийю-л-аҳком” (“Ҳукмлар тўплами”), “Муҳазарату-л-аброр ва мусамарату-л-аҳйор”, “Шарҳу асма илаҳи-л-хусна” (“Гўзал исмларнинг шарҳлари”), «Ақидату аҳли-с-сунна» (“Аҳли сунна қоидалари”), “Асрору-л-хилва” (“Хилват сирлари”), “Шуъабу-л-ийман”, “Маърифат ва ҳикмат”, “Ҳақиқат ва тафаккур”, “Шажарату-л-кавн”, “Васиятлар”; “Расоили Ибн Арабий” (29 рисола), яъни: “Китобу-л-фано фил мушоҳада”, “Рисолату-л-интисор”, “Китобу-л-қурба”, “Рисола ила-л-Шайх Исмоил ибн Савдакин”, “Китобу-л-интисор”, “Ал-қасаму-л-илайҳи би-л-исмир Раббоний”, “Китобу-л-овои ва-н-нуни ва-л-мим”, “Ишорату-л-илҳом”, “Китобу-л-азал”, “Китобу-л-анвор”, “Мақому-л-асарий”, “Китобу-ш-шоҳид”, “Китобу-л-асфар”, “Китобу-л-васоя”, “Китобу-т-тажаллиёт”, “Китобу-л-масойил” в.б.

<sup>11</sup> Бертельс Е. Э. Суфизм и суфийская литература. – С.69.

<sup>12</sup> Мазкур асар суфийлик истилоҳлари ва айрим машҳур суфийлар ҳақидаги маълумотлар, уларнинг сифат ва хулқлари, асарлари ва у ҳақидаги адабиётлар ҳақида маълумот берувчи қўлланмадир. Муаллиф ҳар бир мутасаввиф айтган нақллари алоҳида-алоҳида келтириб, ундан сўнг уларнинг илмий шарҳини берган. Рисола ҳажман кичиклигига қарамасдан айрим суфийларнинг сийратлари ва суратларига берилган ихчам тавсифлар тўпламидан иборат. Муҳйиддин Ибн Арабийнинг бу рисоласи аниқ мулоҳазалар, матнлардан кўчирма бериш ва илмийликни муҳофаза қилиш жиҳати билан ажралиб туради. “Суфийлар сўзларининг тафсири” араб тилида ёзилган бўлиб, Дамашқ (Сурия)да 1997 йилда чоп этилган. Нашрга тайёрлаган ва сўзбоши муаллифи Муфак Фавзий ал-Жабр Абу Абдуллоҳ. Арабчадан Ф.Мансуров ва Б.Болтабоев таржимаси. Ўзбек тилида илк бор чоп этилган.

<sup>13</sup> Алишер Навоий. «Насоимил муҳаббат» 17-том – Т.: ЎзРФА “Фан” нашриёти, 2001 йил.

“Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд”, Фахруддин Али Сафийнинг “Рашаҳоту айни-л-ҳаёт” каби ўнлаб рисолалар мавжуд. Ушбу манбаларда Хожа Баҳоуддиннинг тарихий ва манқабавий ҳаёти, тариқати, таълимоти, таъсири ва сулук йўли ҳақида маълумотлар келтирилган. «Рашаҳот...» асарида нақшбандийлик тариқатининг тарқалиши ва қарор топишида беназир хизматда бўлган шайхлар қаторида Хожа Баҳоуддин Нақшбанддан кейин Хожа Муҳаммад Порсо, Мавлоно Муҳаммад Фағоназий, Мавлоно Яқуб Чархий, Хожа Алоиддин Ғиждувоний, Шайх Сирожиддин Кулол, Хожа Алоиддин Аттор, Мавлоно Ҳисомиддин Порсо Балхий, Саййид Шариф Журжоний, Мавлоно Низомиддин Хомуш, Мавлоно Саъдуддин Кошғарий, Мавлоно Нуриддин Абдураҳмон Жомий, ниҳоят, Ҳазрати Хожа Аҳрор Валий ва бошқалар келтирилади<sup>14</sup>.

Алишер Навоий “Насойимул муҳаббат”да<sup>15</sup> суфийларнинг ҳориқу одатларига тўхталар экан, инсон камолотида адолат ва ҳалолликка алоҳида урғу беради.

Ҳиротда таваллуд топган Ҳазрат Навоий шу ерда ижод қилади, жамият сиёсий ҳаётининг фаол аъзоси сифатида адолат, инсон омилига катта эътибор қаратади. 1447 йилда Навоий ва унинг оиласи Ироққа кўчиб кетишга мажбур бўлади. Давлат тепасига Абулқосим Бобур келгач, уни Машҳадга олиб кетади. 1457 йилда Абулқосим Бобур вафот этади. Кейинги ҳукмдор Султон Абу Саид шоирни унчалик хушламайди. Хуросоннинг собиқ ҳокими Абулқосим Бобир даргоҳида тарбияланган Алишерни ўз

<sup>14</sup> Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айни-л-ҳаёт / Таржимон Домла Худойберган ибн Бекмуҳаммад (Нашрга тайёрловчилар: Маҳмуд Ҳасаний, Баҳриддин Умрзоқ). – Т.: Абу Али ибн Сино, 2004. - Б.85-265.

<sup>15</sup> Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват» асари илк бор арабий, форсий матнлар, уларнинг таржималари ва изоҳлари билан тўлиқ ҳолда нашр этилмоқда. Асар муқаддима ва 770 та шайх (35 таси авлиё аёллар)нинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган. Илгарини нашрида (1968) атиги 153 та шайхлар ҳақида маълумот берилиб, айрим диний ва тасаввуфий атамалар маълум сабабларга кўра туширилиб қолдирилган эди. “Насойим ул-муҳаббат” Абдураҳмон Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс мин ҳазарот ил-қудс» тазкирасининг таржимаси, лекин Навоий Жомий асарига эркин, ижодий муносабатда. бўлади ва унинг асаридаги маълумотларни тўлдириб ёхуд қисқартириб боради ва 618 та шайхлар сонини 770 тага етказилади. Шунингдек Ибн Арабийнинг «**Тафсири алфоз ал-суфийя**»сидан **илҳомланади**. Тарих ва маданий меросимизни кенг ўрганаётган ҳамда нақшбандийлик таълимотига рағбат кўрсатаётган эканмиз, бу асарни тўлиқ ҳолда нашр этилиши илмий, маърифий ва ахлоқий аҳамиятга эга. Айниқса, Имом Аъзам, Имом Мотуридий, Аҳмад Яссавий, Ҳаким Тирмизий, Баҳоуддин Нақшбандийларнинг ақида ва қарашлари билан халқимизни, хусусан, ёшларимизни яқиндан таништириш жойиздир. Асарни нашрга тайёрлашда ЎЗР ФА Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлғамалар фондида сақланаётган 857 ва 5420 инв. рақамли қўлғамалар ҳамда «Насойим ул-муҳаббат»нинг Туркияда чиққан танқидий матнлари асос қилиб олинди (Камол Эраслан, 1996). Матнларни қиёслаш, шахс ва жой номларини тўғри ёзиш, таржима ва изоҳлар тузишда Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс мин ҳазарот ил-қудс» асари қўлғамасидан, Эронда (доктор Обидий, 1370 Ҳ. ш.), Тошкентда (1916) чоп бўлган изоҳли манбалардан ҳамда Маҳмуд бин Усмон Али (Ломийий Чалабий, 1479— 1532) томонидан усмонли турк тилига ўгирилган таржимадан фойдаланилди. Арабий ва форсий матнларни асарнинг охирига илова қилдик. Кейинги нашрларда китоб юзасидан билдирилган фикр ва мулоҳазаларни инобатга олиб, арабий ва форсий матнларни ҳам ўз ўрнида бериб, чоп этиш назарда тутилади.

даргоҳида тутишлик Абу Саид учун хавфли эди. Ўзига нисбатан номуносиб муносабатдан Алишер Самарқандга кетишга мажбур бўлади. У 1465-1469 йилларда Самарқандда яшаганида кўплаб дўстлар орттиради, ижоди сермахсул бўлади. 1469 йилда Султон Абу Саид ўз ғанимлари томонидан ўлдирилади, шундан сўнг дўсти ва мактабдоши Ҳусайн Бойқаро тахт тепасига келгач Навоий Ҳиротга қайтиб келади. Ҳусайн Бойқаро 1472 йил уни бош вазир қилиб тайинлайди. Навоий бош вазир бўлиши билан халқ дарди билан қизиқа бошлайди ва халқнинг турмуш тарзида адолатнинг таъминланишига ҳаракат қилади. Шу даврларда Навоий ўз шеърларида ҳам халқнинг муаммолари ҳақида ёзган.

Мана шу даврда Навоий ўзигача бўлган мутафаккирларнинг асарлари билан танишиб бўлади ва ўзининг ижодий фаолияти бошланади.

Жамият бошқарувида адолат ва инсон омилини устун қўйган тасаввуф таълимоти асосчилари Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор (1404-1490) Хожа Низомиддин Хомуш ва Саъдиддин Кошғарий билан бир тариқату илмда боғланганлар. 29 ёшида Яъқуб Чархийдан иршод олиб, муршиди комиллик мақоми билан Тошкентга қайтган аллома қатор диний-тасаввуфий асарлар муаллифидир. Унинг «Фикроти Аҳрория», «Рисолаи волидия», «Рисолаи ҳавория», «Рисолаи анфоси нафиса», «Руқаъот» асарлари шундай китоблар сирасига киради. Алишер Навоийнинг устози Нуриддин Абдирахмон Жомий (1414-1491) ҳазратлари улуғ тасаввуф шайхларидан бўлиб, Ҳазрати Маҳдумнинг йигирмадан ортиқ рисола ва тазкиралари, мақомот ва манқабаларида нақшбандийликнинг тариқат усуллари баён қилинган. Бу ҳақда «Рашаҳот...»да қисқа қилиб, “Тариқи хожагон аларни тез ўзига олди” деб маълумот берилади<sup>16</sup>.

Улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Мир Алишер Навоий (1441-1501) Ҳазрати Жомий воситаси билан нақшбанд тариқатига боғлангани маълум. Навоийнинг тасаввуфий қарашлари деярли барча асарларининг руҳига сингган бўлса-да, «Лисону-т-тайр» суфийлик достони бўлиб, Шайх Фаридиддин Аттор анъаналари руҳида ёзилган. Асарда борлиқ ва илоҳиёт ҳақидаги қарашлар, инсон, табиат ва ҳаёт ҳақидаги фикрлари қушлар тили (қуш тасаввуфда қалб рамзи, қушлар нутқи эса қалб хитоби) ва саргузаштлари орқали баён қилинган. «Насойиму-л-муҳаббат» манқабаси Ҳазрат Жомийнинг «Нафаҳоту-л-унс мин ҳазароти-л-қудс» тазкираси йўлида ёзилиб, Жомий илгари сўз юритган 618 та шайхлар ва суфийлар сони 770 тага етказилган ва улар ҳақидаги маълумотларни ўзида

<sup>16</sup> *Фахруддин Али Сафий*. Рашаҳоту айни-л-ҳаёт / Таржимон Домла Худойберган ибн Бекмуҳаммад (Нашрга тайёрловчилар: Маҳмуд Ҳасаний, Бахриддин Умрзоқ). – Т.: Абу Али ибн Сино, 2004. - Б.85-265- 181.

жамлаган «Тазкирату-л-авлиё»дир. Тасаввуфий қарашлар «Назму-л-жавоҳир», «Арбаин», «Муножот», «Маҳбубу-л-қулуб» сингари асарларида ҳам акс этган<sup>17</sup>. Улуғ адиб ўзигача мавжуд барча илмий-илоҳий-адабий илмларни изчил ўрганиб, уларни ўз асарларида мукамал бир суратда тартиблай олган. Алишер Навоий асарларидаги фикр теранлиги, озод руҳ, мустаҳкам иймон, туйғулар нафосати ва, ниҳоят, мукаррам ва улуғвор турк (ўзбек) сўзининг қудратини унинг тасаввуфий руҳдаги асарларида ҳам кўриш мумкин. Навоий даврига қадар ҳам, ундан кейин ҳам юзлаб “Тарихи Набавий”лар, минглаб “Қисасу-л-анбиё” ва “Каъбу-л-ахбор”лар яратилган. Лекин улар орасида Ҳазрат Навоий яратган «Тарихи анбиё...» номли пайғамбарлик тарихи нимаси билан эъзозли, тарихи Набавийнинг қайси сифатларини Ҳазрат устивор билиб таъриф қилган<sup>18</sup>, деган саволга ҳам асарнинг мутолаасидан батафсил жавоб топамиз<sup>19</sup>.

<sup>17</sup> «Муножот» талқинида проф. А.Аъзамовнинг «Муножотнома» (Наманган, 1997; Тошкент, 2001) рисоласи, «Маҳбубу-л-қулуб»даги сўфийлар ахлоқи талқини Н.Комиловнинг «Дарвеш ахлоқи таърифида» мақоласи (Филология масалалари, 2004, 1-сон, Б. 4-9)да акс этган. Шунингдек, “Маҳбубу-л-қулуб” асари рус тилига А.Рустамов томонидан таржима этилиб, “Сўфийлар” тўпламида нашр этилган. Қаранг: Суфии. Восхождение к истине / Антология мысли. Изд. подготовлено Л.Яковлевым. – М.: ЭКСМО, 2007. – С. 358-410.

<sup>18</sup> Пайғамбарлик тарихига оид илк мўътабар манба: Абдулмалик ибн Ҳишом ал-Маъофирий. Ас-Сийра ан-набавийа. 1-2 жилд. –Т.: SHARQ HMAK, 2011.

<sup>19</sup> Қаюмов А. Нодир саҳифалар. – Т.: Фан, 1991. – Б.40-92.